

# **МАВЗУ: МЕҲНАТГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**



# Р е ж а :

1. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий - меъёрий асосини ташкил қилувчи ҳужжатлар тизими.
2. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий - меъёрий асосини ташкил қилувчи ҳужжатларнинг қисқача мазмуни ва моҳияти.

- 1948 йил 10 декабрда БМТ „Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси“ни қабул қилди:
- декларациянинг 9-моддасида шундай дейилган:
  - „**ҳар бир инсон яшаш ҳуқуқига эга...**“ ,
- декларациянинг 23-моддасида эса шундай сўзлар битилган – „**ҳар бир инсон меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли ва қулай шароитлар... ҳуқуқига эга**“

- Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакатимизда фаолият юритаётган барча корхоналардаги **ишчи ходимларнинг ҳаёти, соғлиғи ишлаб чиқариш натижаларига нисбатан устуворлигини** белгилаб беради.
- Ушбу сиёсат бўйича олиб бориладиган ишлар қамрови жуда кенг миқёсда бўлиб, меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ барча жабҳаларни ўз ичига олади.

# Меҳнат муҳофазасига оид қонун ва қоидалар тизими

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнат Кодекси";
4. Техника хавфсизлигига оид низомлар, меъёрлар, қоидалар, стандартлар ва йўриқномалар.

- Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 ва 37 моддалари юқорида келтирилган декларациянинг 3 ва 23 моддаларига мос равишда ҳамоҳангдир, масалан, 37-моддада шундай дейилади: - „Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш... ҳуқуқига эгадир”.
- Демак, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг меҳнатини муҳофазалаш ва фаолият хавфсизлигини таъминлаш умумдавлат миқёсидаги масала даражасига кўтарилган.

## Меҳнат кодекси

- 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси тасдиқланган ва 1 апрел 1996 йилдан амалга киритилган.
- Меҳнат кодексининг XIII боби тўла меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган.
- Бу боб моддалари қатор масалаларни ўз ичига олади. Жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш омиллари-талаблари 211-моддада келтирилган, ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш нормалари, қоида ва йўриқномаларига риоя этиш мажбурияти 212-модда, ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи 213-модда, тиббий кўрик 214-модда, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш ва ўқитиш. 215-моддаларда шу каби масалалар кўриб ўтилган.

## “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун

- Меҳнат муҳофазаси меҳнат фаолияти жараёнида инсон ҳаёти ва соғлиғининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика каби тадбирлар тизимидан иборат.
- “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун 1993 йил 6 майда қабул қилинган.
- Ушбу қонун мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарида ва бошқа барча муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди.
- Қонуннинг асосий мақсади фуқароларнинг ишлаб чиқариш шароитида соғлиғи ва меҳнатининг муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.



- Мазкур қонун ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашда жуда катта аҳамият касб этади.

Шунингдек у:

- меҳнаткашларнинг меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқларини таъминлайди;
- мулкнинг барча шаклидаги корхоналарда ходимлар билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат муҳофазасига оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ягона тартибини белгилаб беради;
- ходимлар учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга ҳуқуқий замин яратади.

## Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:


- корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғининг устиворлиги;
- меҳнат муҳофазаси соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб бориш;
- мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, барча корхоналар учун меҳнат муҳофазаси соҳасида ягона тартиб, қоидалар белгилаб қўйиш;
- меҳнатнинг экологик жиҳатдан хавфсиз шароитларини яратиш ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолатининг мунтазам назорат этилишини таъминлаш;
- корхоналарда меҳнат муҳофазаси талаблари ҳамма жойда бажарилишини назорат қилиш;

- меҳнат муҳофазасини маблағ билан таъминлашда давлатнинг иштирок этиши;
- олий ва ўрта махсус ўқув юртларида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш;
- техника хавфсизлиги, технологиялар ва ходимларни ҳимоялаш воситаларининг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш;
- фан ва техника ютуқларидан ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича мамлакатимиз ва чет элда тўпланган илғор тажрибадан кенг фойдаланиш;
- ходимларни махсус кийим ва пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, парҳез овқатлар билан бепул таъминлаш;
- корхоналарда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга кўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиш;

- ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодисани ва касб касаллигини текшириб чиқиш ҳамда ҳисобга олиб бориш асосида ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ҳамда касб касалликларига чалиниш даражаси ҳақида аҳолини хабардор қилиш мажбурийлиги;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига йўлиққан ходимларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш;
- касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар ва алоҳида шахсларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлашга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- меҳнат муҳофазасига оид масалаларни ҳал этиш чоғида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш тамойилларига асосланади.

- Давлат томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича қабул қилинадиган **қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, стандартлар, низомлар, қоидалар, йўриқномаларнинг** барчаси ишлаб чиқаришда ишловчилар ҳаёти, соғлиги ва иш қобилиятини муҳофазалаш, турли бахтсиз ҳодисаларнинг, жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олиш, қулай ва бехатар меҳнат шароитларини яратишга, хавфсиз машина ва механизмлар, қурилмалар, ускуналарни лойиҳалашга, ишлаб чиқишга ва ишлаб чиқаришга татбиқ қилишга хизмат қилади.

# Топшириқ: Меҳнат муҳофазаси ҳуқуқий-меъёрий асосларининг кластерини тузинг



# Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини қандай қонуний ҳужжатлар ташкил қилади?
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечанчи моддаси меҳнат муҳофазасига тегишли?
3. Меҳнат Кодекси қачон қабул қилинган?  
Меҳнат Кодексининг нечанчи боби меҳнат муҳофазасига тегишли
4. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?
5. Умумий ва тармоқий меъёр ва қоидаларнинг бир-биридан фарқи нималардан иборат?
6. Меъёрий ҳужжатлар тизимида техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар қандай ўринни эгаллайди ва улар қанақа турларга бўлинади?
7. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 4 боби нимага бағишланган?
8. ХМТ нима?

**Эътиборингиз учун раҳмат!**

